

“Тасдиқлайман”
“ИХТ СОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС ЁРНАТИШ ФОЙДАЛАНИШ БЎЛИМИ” директори
Н.Н.Хайдаров
“ _____ ” 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

“ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС ЁРНАТИШ ФОЙДАЛАНИШ БЎЛИМИ ”

Ихтисослаштирилган махсус ёрнатиш фойдаланиш бўлими тасарруфидаги йўлларга 2022 йил давомида йўл белгиларини ёрнатиш ишларини бажариш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Термиз шаҳар 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 айда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Ихтисослаштирилган махсус ўрнатиш фойдаланиш бўлими балансидаги йўлларни замонавий йўл белгилари билан таъминловчи ҳамда сифатли йўл белгиларига эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 164 751 500 (бир юз олтмиш тўрт миллион етти юз эллик бир минг беш юз) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 йил.
- 1.5 Ишларни бошлиқ муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 “Ихтисослаштирилган махсус ўрнатиш фойдаланиш бўлими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, термиз шаҳри, Тахористон кўчаси, 156 уй.

Эл. Адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Ихтисослаштирилган махсус ўрнатиш фойдаланиш бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси оркали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорлар қуйидаги малаквий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари бажариладиган ишларнинг мўлжаллана ётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар ҳамда муассасалик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари-талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.